

Абдулғани ДАМИНОВ

ОРЗУ


Шеърлар

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

84(55) 6-5 ўзб. араб

10 35516
091

Қўлингиздаги китоб андижонлик салоҳиятли журналист Абдулғани Даминовнинг шеърий йўлдаги изланишларидан таркиб топган. Улардан ёниқ қалб ҳаяжонлари — самимий сатрлар ўрин олган. Водийча лутф ва лафзнинг ўзига хос таровати сизни ўзига ром этади.



© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашиёти, 2009 й.

САМИМИЙ САТРЛАР

Яқинда салоҳиятли журналист, Андижон вилояти “Андижоннома” газетасининг бош муҳаррири Абдулғани Даминовнинг бундан 25 йиллар муқаддам ёзган шеърлар дафтарига назарим тушиб қолди. Уни биргалашиб ўқий бошладик.

Ушбу шеърларда дунёни болаларча беғубор нигоҳ билан кўриш; самимилик, дўстлик, ватан ва севги, ота ва фарзанд меҳри ўзига хос бир оҳанг ва шакл билан ифода этилади.

Киши юрагида оташин ишқ, буюк бир ижод қуввати, аввало, ёшлиқда тушган кичик бир учқундан аланга олади, уни кимдир “пуфлаб” ўчирса сўнади, руҳан мадад бериб, парвариш қиласа шуълаланиб камолга етади. Шу маънода Абдулғанининг ижод дасттоҳи асло тўхтаб қолгани ўйқ. У ҳамиша қайноқ ҳаёт кўйнида, одамлар ичида. Одатда, узоқ йиллик тўпланган ижодий тажриба истеъдодга йўл очади. Демак, Абдулғани отлиғ шоиримизнинг ёзилажак гўзал шеърлари ҳали унинг қалбида, қоғозга энди тушади!

Биз ижодкор дўстимизга шеъриятнинг нурли йўлида катта изланишлар тилаб қоламиз.

*Тўлан Низом,
Ўзбекистон ҳалқ шоири.
2008 йил, Андижон*

Ватан

Севаман Ватанимни,
ҳам чўлу гулбоғини.
Ўпаман қўлга олиб,
ҳар гиёҳ, тупроғини.
Сўрайман саболардан
бундай юрт қайдা бор? — деб.
Оlamда танҳо дейди,
ўйнаб гул япроғини.
Сезаман ҳар онимда
қайноқ юртим меҳрини.
Лаззатли деб атарман
ҳаётим ҳар онини.
Элим топди баҳтини,
истиклолдан таҳтини.
Фарзандлари таратгай
ўзбекимнинг номини.
Не баҳтки, ўғлон бўлмоқ,
шундай азиз ватангага.
Бир умр мен оқлагум
бир кун берган нонини.

Үқисам ўйноқ ғазал

Үқисам ўйноқ ғазал,
мени хұп шайдо қилади.
Тотгандай ширин асал,
лаззатин пайдо қилади.
Рұхимга бериб ором,
күзгатиб дилда әхтиром,
Қалбимга солиб илхом,
қаламга имо қилади.
Юрт жамоли дебон айло,
чизиб васфин гули раъно,
Англатиб эзгу маъно,
күнглимини дарё қилади.
Гұзал юртим меҳрини,
Навоийнинг зеҳнини,
Кувноқ қўшиқ сеҳрини
дилларга жо қилади.
Үқисам ўйноқ ғазал,
ҳаёт бўлур чунон гўзал,
саф-саф терилган сўзлар
ҳаётга ошна қилади.

Гулбаҳорим дегайман

Чин вафодор бўлсанг сен,
Гўзал ёрим дегайман,
Қалбим ичра гуллаган,
Гулбаҳорим дегайман.
Гуллар сочиб бошингдан,
Парвонадай қошингда,
Кўз нуридай ардоқлаб,
Ифтихорим дегайман.
Лабларингдан балқиса,
Доим шодлик-ла ханда,
Қалбим тўлиб ўшанда
Бегуборим дегайман.
Тўлин ойга жамолинг
Киёс айласа қани.
Кўнгилда ҳеч доғи йўқ
Гулруҳсорим дегайман.

Гуллар тердим

Тонгда сенга гуллар тердим,
Хеч губори бўлмасин деб,
Деразангга элтиб қўйдим,
Интизори бўлмасин деб.
Гулларимни орасталаб,
Олиб келгандим дасталаб,
Дил сўзимни пайвасталаб,
Яна зори бўлмасин деб.
Сезмай қўлга кирганини,
Бир-бир юлиб тиканини.
Жамлагандим сар гулини,
Гул озори бўлмасин деб.
Ҳар бир гулдан бир жуфт олиб,
Безаш учун ўйга толиб,
Олиб келдим даста қилиб,
Гул бозори бўлмасин деб.
Муаттар гул исин сочиб,
Ўйғотса гар уйқум очиб,
Фани кетар секин қочиб,
Ёр норози бўлмасин деб.

Сайр этайлик...

Юргин, дўстим, сайр этайлик
қийғос гуллар боғида.
Гулга атаб шеър битайлик,
гул очилган чоғида.
Ўйлайманки мафтун қилар
Гул ва булбул суҳбати.
Лек кўрмайлик ҳижрон ёшин
Фунчанинг япрогида.
Ўйноқи бир ғазал битиб,
Синайлик булбул кучин.
Бўлармикин ё рашк қилиб,
Гулларин ёнмогида.
Сабо билан суҳбат қуриб,
Ўлтирасак гул ёнида.
Биздан кейин бўлмасмикин
булбулнинг сўроғида.
Гул юзига кўз тикиб,
булбулнинг куйин кутиб.
Ё қолайлик кун бўйи
Майсалар қучогида.

Сўзи билан

Меҳмондўст эрур инсон
ҳам нону тузи билан.
Дилларга чироқ ёкур
асалдек сўзи билан.
Хатто сўз қилмай баён,
Ўзлигин қилур аён,
Қалбингизга йўл топиб,
ҳам “сиз”у “биз”и билан.
Топиб аввал бир гоя,
сизга қилиб ҳикоя,
Иқбол сари бошлагай
ҳам ҳаёт изи билан.
Чой устида ўлтириб,
ҳолу аҳвол билдириб,
Ҳамсуҳбат бўлмоқ қийин,
одамнинг “муз”и билан.
Ҳар инсонки баҳтиёр,
топиб обрў-эътибор,
Гар дўстлар даврасида,
фахр этса ўзи билан.

Нурли олам бўлди деб

Күёш қилди тароват,
Баҳор-кўклам бўлди деб,
Ошди чунон ҳарорат,
Нурли олам бўлди деб.
Фасли баҳор дея диллар
Соф-мусаффо кўнгиллар,
Қаҳ-қаҳ уради гуллар
Шодлик ҳамдам бўлди деб.
Шўх сабонинг куйига,
Бошларин эгиб ҳар ён,
Раҳс этар гуллар шодон,
бизга байрам бўлди деб.

Бағрини очиб боғлар,
Новвот, марварид тоғлар,
Бугун бағрига чорлар,
Бағрим кўркам бўлди деб.
Баҳордан сармаст бўлиб,
Баҳтидан гулгун қулиб,
Ғани куйлар дил тўлиб,
Борлик хуррам бўлди деб.

Эъзоз этай гулни мен

Шу күнгача күрмадим
Гулни севмас дилни мен,
Гул ишқида ёнмаган
Навосиз булбулни мен.
Гул эрур поклик рамзи,
Шул сабабли күрмадим
Висол онида гулсиз,
Чин ошиқ күнгилни мен.
Оlamга гуллар сочай,
Гулларга қалбим очай,
Тилааб эзгу дилларга,
Гул түшалган йүлни мен.
То абад, умрим бўйи,
Умримдан гулзор ясаб.
Муқаддас бурчим каби
Эъзоз этай гулни мен.

Ногаҳон

Ногаҳон узди бирор,
Фунча бирла гул бандини.
Билмади у узганин
Булбулнинг дилбандини.
Бечора булбул тинмай,
Бир нафаски қўним билмай,
Гир учар фифон қилиб,
Йўқотгандай фарзандини.
Фунча бўлмай тутунча,
Сўлди гул бўлмайин фунча,
Ногаҳон кириб кимса,
Бузди диллар пайвандини.
Шу кун эсмади сабо,
Бирор куй, чиқмади наво,
Олиб кетди гул билан
Бир кунлик боғ курсандини.
Бу ҳолдан кўнгли вайрон,
Фани турарди лол, ҳайрон,
Булбулга таскин учун
Тополмай сўз монандини.

Баҳор чиройи

Бог аро кирсам баҳор,
Атроф тўла гулғунчалар.
Тонгдай гўзал, бегубор,
Чирой бўларми шунчалар.

Барча дов-дарахтлар ҳам
Яшил рангдан кийган либос.
Бог жамолин этган кўркам,
Фунчалар очилиб қийғос.

Гуллар мадҳини куйлаб,
Булбул сайрап басма-бас.
Гўзал табиат бўйлаб,
Бундай чирой топилмас.

Бу боғни келиб кўрган
Дейди: қандай чиройли.
Борлиққа чирой берган,
Бу Наврӯз, баҳор ойи!

Оналар табассуми

Оналар табассуми
Кенг жағонни ёритар.
Оналар табассуми
Шодон турмуш яратар.

Қандай пок бўлса гуллар,
Шундай гўзал оналар.
Ҳур ҳаёт рамзи улар —
Мунис инсон оналар.

Ҳатто қуёш згар бош
Мехрининг қаршисида.
Юз чандон ёруғ олам,
Кулги-ла қаршида.

Она лабидан бир дам,
Аrimасин ҳеч ханда.
Қайнаб турган ҳаёт ҳам,
Гўзал бўлар ўшанда.

Виқор билан ўсар эди гул...

Баҳор чоғи боғ күркі бўлиб,
Виқор билан ўсар эди гул.
Пушти, қизил рангларга тўлиб,
Унинг томон талпинарди дил.

Лекин ҳамма суқланса ҳамки,
Эгмас эди мағрур бошини.
Тинмай қушлар сайдраса ҳамки,
Учирмасди зарра қошини.

Шу он, билмам, қаерлардандир,
Учиб келди сайдроқи булбул.
Унинг япроқ куйидан ҳатто
Эрир эди тошюрак, кўнгил.

Гул ниҳоят бирдан сесканиб,
Унга қараб қоқди қошини.
Япроғига аста беркиниб,
Ҳаё билан эгди бошини.

Манзара

Эй дўстим, чор атрофга қара,
Эҳ, қандайин гўзал манзара.
Бугун табиатнинг жамолига
Хусн қўшар яйлов, қир, дара.

Дарёларда зилол сув оқар,
Шилдираши кўнгилга ёқар,
Табиатга нур бериб қуёш,
Юксаклардан талтайиб бокар.

Ўсимликлар табиатга мос,
Яшил рангдан кийинган либос.
Эҳ, қандайин гўзал манзара.
Олтин нурда тобланар қийғос.

Ақлингни бериб тургин

Вазифа қилмай Толиб,
Бугун ҳам икки олди.
Болалардан уялиб,
Чўғдек қизариб қолди.
Ёнидаги Раҳим-чи,
Доим олар “беш” баҳо.
Дарсда ҳам ўқитувчи
Уни мақтар доимо.
Эртаси кун ҳар фандан
“Беш” олишга аҳд қилиб,
Ёнидаги аълочи
Раҳимжонни дўст билиб,
Толиб дейди Раҳимга:
— Ҳеч бўлмаса бир дафъа
Ақлингни бериб тургин,
Қилиб олай вазифа.

Қуёш ухлаб қолибди

Бугун жажжи Толибжон
Үйқудан хомуш турди.
У ёқ-бу ёқ аланглаб
Осмонда булут кўрди.

Совқотдими эрталаб,
Ўраниб юзигача,
Ҳеч ким йўқ-ку ёнида,
Савол сўрар ўзича.

— Нима учун осмонга
Бугун чиқмабди офтоб?
Бирор сабаби бордир,
Ё бўлдимикин бетоб.

Нурин сочиб чараклаб,
Туар эди ҳар куни.
Ишга чиқиб эрталаб,
Дам оларди у туни.

Юзи ёришиб бирдан,
Бир нарсани англади.
Ўзининг саволига,
Ўзи жавоб айлади.

— Тинмайин нурин сочиб,
Кечгача чарчаб-толган.
Дадаси уйғотмаса,
Қуёш ҳам ухлаб қолган.

20/09/80 A 6646	Altshер Навоий номидаги O'zbekiston MR
--------------------	--

Ким курайди?

Кечаси хўп тинмайин,
Оппоқ дурдек қор ёғди.
Пахтадай момиқ, майин,
Оппоқ нурдек қор ёғди.

Эрталаб туриб дарров,
Ховлини кураб қўйдик.
Сувлар тушар деб тарнов
Йўлин тозалаб қўйдик.

Укам туриб, дарчадан
Чор атрофга қарайди.
— Ака, айтинг-чи, чиндан,
Далани ким курайди?

Укамнинг саволига,
Аввалига мен кулдим.
Кейин ўйланиб унга,
Шундайин жавоб бердим.

— Барча қор ўзи эриб,
Далани хўл қилади.
Ёзда-чи, сувин бериб,
Ҳосилни мўл қилади.

Шириндан-ширин

Шириндан-ширин нима?
(Фақатгина қанд дема).
Сен ўйлаган ширинни,
Қани, айт-чи, Ҳалима?

Хур, шодон ҳаёт ширин,
Ҳаммасин санаш қийин,
Шириндан-ширин сүзлаб,
Яна нималар дейин.

Мактабда ўқиши ширин,
Илк шеърни тұқиши ширин.
Ұқиша, ишда халқинг,
Күттеган олқиши ширин.

Булбулнинг тили ширин,
Еш бола дили ширин,
Қүёшдан олдин турған,
Эрта тонг гули ширин.

Донолар сүзи ширин,
Охунинг күзи ширин,
Лабларидан бол томиб,
Сүзлекан ўзи ширин.

МУНДАРИЖА

САМИИЙ САТРЛАР.....	3
Ватан.....	4
Үқисам ўйноқ ғазал.....	5
Гулбаҳорим дейман.....	6
Гуллар тердим.....	7
Сайр этайлик.....	8
Сўзи билан.....	9
Нурли олам бўлди деб.....	10
Эъзоз этай гулни мен.....	11
Ногаён.....	12
Баҳор чиройи.....	13
Оналар табассуми.....	14
Виқор билан ўсар эди гул.....	15
Манзара.....	16
Ақлингни бериб тургин.....	16
Қуёш ухлаб қолибди.....	17
Ким курайди?.....	18
Шириндан-ширин.....	19

Мұхаррир *Ж. Қунишев*
Бадий мұхаррир *Х. Худойбердиев*
Техник мұхаррир *Т. Смирнова*
Мусақхық *З. Жалилова*
Саҳифаловчи *Б. Ирисбоев*

Босишга 07.05. 2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/2. «Times UZ» гарнитураси.
Офсет усулида босилди. Шартли босма тобоқ 1,0.
Алади 500 нусха. Буюртма № 172.
Баҳоси келишилган нархда.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33 уй.